
Фурқат туманида жорий йилнинг 6 февралдан 7 апрелига қадар “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2023 йил 1-мавсуми бўлиб ўтди.
Фурқат туманида жорий йилнинг 6 февралдан 7 апрелига қадар “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2023 йил 1-мавсуми бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир учун туман бўйича жами 4 886,0 млн сўм маблағлар йуналтирилади. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида жамоатчилик томонидан жами 93 та таклиф илгари сурилган бўлиб, шундан 4 та 4 800 млн сўмлик таклиф энг кўп овоз тўплаган ҳолда ғолиб деб топилди.

Бундан ташқари 10.04.2023 йил кунги ПҚ-117 сонли қарорига асосан 2 000 дан ортиқ овоз тўплаган лекин ғолиб бўлмаган 11 та 12 094,8 млн сўмлик таклифга қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди. Натижада жами 15 та 16 894,8 млн сўмлик таклифга маблағ ажратилиши маълум бўлди.

Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида 1 200 млн сўмлик 1 та лойиҳа ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш қиймати 15 693,8 млн сўмлик 14 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Шундан, Қурилиш-таъмирлаш бўйича 13 та таклифлар; Сотиб олиш бўйича 2 та таклифлар ғолиб деб топилди.

Фурқат тумани Иқтисодиёт ва молия бўлими

2023-04-11 17:03:44